

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
**УДК 658.12(42)**

**Исмоилов Илёсжон Хакимжон ўғли**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ АВТОМОБИЛЬ САНОАТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАҲОН АВТОМОБИЛЬ БОЗОРИГА  
ИНТЕГРАЦИЯЛАШИШ СТРАТЕГИЯСИ**

**(“Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси материаллари асосида”)**

**A230102 - Иқтисодиёт (реал сектор)**

**Магистр**

**академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:**  
**доц. А.Исмаилов**

**Тошкент – 2018**


Диссертация ишида Ўзбекистоннинг автомобиль саноатини ривожлантириш ва жаҳон автомобиль бозорига интеграциялашниш стратегиясимасалалари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилган, шунингдек, автомобиль саноатини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, жаҳон автомобиль бозорига интеграциялашниш стратегияси ваэкспортини амалга ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Ўзбекистоннинг автомобиль саноатини ривожлантириш ва жаҳон автомобиль бозорига интеграциялашниш стратегияси бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

In the dissertation research has been carried out on the issues of development of Uzbekistan's automotive industry and strategy of integration into the world automotive market, as well as the socio-economic significance of automotive industry development, the strategy of integrating into the global automotive market and the specifics of improving the system of export. Proposals on the strategy of Uzbekistan's automotive industry development and integration into the global automotive market have been developed.

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

41- сонли баённома « 22 » май 2018 й.

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Исмаилов А.


  
ИМЗО

22.06.2018

сана

Магистр:

Исмоилов И.

  
ИМЗО

23.06.2018

сана

**“Ҳимояга тавсия этилади”**

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси

муdiri, доц. И. Хотамов

“ 22 ” май 2018 йил



Ҳимоя 2018 йил “ 23 ” сентябр соат 14.00 да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

## МУНДАРИЖА:

|                 |                                                                                                                                                  |           |
|-----------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
|                 | <b>КИРИШ.....</b>                                                                                                                                | <b>4</b>  |
| <b>I боб.</b>   | <b>Ўзбекистон Республикасида автомобилсозлик саноатини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари.....</b>                                         | <b>10</b> |
| 1.1.            | Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида автомобилсозлик саноати ривожланишининг назарий асослари.....                                               | 10        |
| 1.2.            | Мамлакатда автомобил саноати шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари.....                                                                          | 18        |
| 1.3.            | Ўзбекистонда «GM UZBEKISTAN» қўшма корхонаси ташкил топишининг ташкилий ҳуқуқий асослари.....                                                    | 24        |
|                 | <b>Биринчи боб бўйича хулоса.....</b>                                                                                                            | <b>35</b> |
| <b>II боб.</b>  | <b>Ўзбекистонда автомобиль саноатини ривожланиш ҳолати таҳлили.....</b>                                                                          | <b>37</b> |
| 2.1.            | “Ўзавтосаноат” акциядорлик компаниясининг ривожланиш тенденциялари.....                                                                          | 37        |
| 2.2.            | “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш динамикаси ва молиявий кўрсаткичлари таҳлили.....                     | 44        |
| 2.3.            | “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси корхоналарининг молиявий таъминотини мустаҳкамлашга йўналтирилган инвестицион манбалар таҳлили.....        | 50        |
|                 | <b>Иккинчи боб бўйича хулоса.....</b>                                                                                                            | <b>61</b> |
| <b>III боб.</b> | <b>Ўзбекистоннинг автомобиль саноатини ривожлантириш ва жаҳон автомобиль бозорига интеграциялашиш стратегиясини таъминлаш йўллари.....</b>       | <b>62</b> |
| 3.1.            | Автомобилсозлик тармоғи ишлаб чиқариш салоҳиятини янада кенгайтириш йўллари.....                                                                 | 62        |
| 3.2.            | “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарни жаҳон автомобиль бозорига интеграциялашиш стратегиясини таъминлаш йўналишлари..... | 71        |
|                 | <b>Учинчи боб бўйича хулоса.....</b>                                                                                                             | <b>78</b> |
|                 | <b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР .....</b>                                                                                                                 | <b>80</b> |
|                 | <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>                                                                                                     | <b>84</b> |

## КИРИШ

**Магистрлик диссертация мавзуининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Ўзбекистан Республикаси жаҳон тажрибасини эътиборга олган ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўзига хос ва мос йўлини танлади. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ўз тараққиётида сезиларли ютуқларга эришди. Иқтисодий ислохотлар натижасида эришилган муваффақиятлар, амалга оширилган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, энг муҳими, иқтисодиётни ислоҳ қилишга булган ёндошув жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди.

Мамлакатимиз Президенти томонидан саноатни барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада ошириш масаласига эътибор қаратилиб “..миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат улушини кўпайтириш”<sup>1</sup> зарурлиги эътироф этилди.

Ушбу Фармонда саноатни ривожлантиришнинг комплекс дастури ва модернизация қилиниши, техник ва технологик янгиланиши, кооперацион алоқаларни янада ривожлантириш тўғрисидаги фикрлар акс этган бўлиб, унда мамлакатни ривожлантириш йўналишлари яққол акс этгандир.

Бозор иқтисодиёти шароитида Республикада амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг йил якунларига бағишланган кенгайтирилган мажлисда 2016-йил якунлари бўйича ЯИМ 7.8% га, Саноат маҳсулотлари ҳажми 6.6%га ўсганлиги<sup>2</sup> қайд этилди. Бундай улкан ишлаб

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 8 феврал 2017 йил.

<sup>2</sup> Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.// Халқ сўзи. 15 январ 2017 йил.